

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**  
**«SHAHNISABZ VINO-AROQ» АЖ**  
**акциядорлари умумий йиғилиши томонидан**  
**2016 йил «17» июнда**

**«SHAHNISABZ VINO-AROQ» АЖ ИЧКИ НАЗОРАТ**  
**ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ**

**Шахрисабз 2016**

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. «**SHAHNISABZ VINO-AROQ**» АЖ акциядорлик жамиятининг Ички назорат тўғрисидаги ушбу Низоми (бундан буён матнда – “Низом”) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, «**SHAHNISABZ VINO-AROQ**» АЖ акциядорлик жамияти (бундан буён матнда – “Жамият”) устави, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқариш тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги №9-сонли баённомасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва «**SHAHNISABZ VINO-AROQ**» АЖнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом ички назорат тизимининг мақсади ва вазифаларини, унинг ишлаш тамойилларини ҳамда «**SHAHNISABZ VINO-AROQ**» АЖнинг ички назорат учун жавобгар органлари ва шахсларини белгилайди.

## **II. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ТАВСИФИ ВА МАҚСАДЛАРИ**

3. Ички назорат – бу АЖнинг фаолиятига ўрнатилган ва рискларни бошқариш жараёнлари самарадорлигини оширишга, АЖнинг мақсадларига эришишга нисбатан қуйидаги соҳаларда асосланган ва етарли тасдиғини қўлга киритиш мақсадида янада мақбул тарзда назорат қилиш ва корпоратив бошқаришга қаратилган узлуксиз амал қилувчи жараён:

- ишлаш, фойда олиш ва активларни ҳимоя қилиш самарадорлиги даражасини қўшган ҳолда фаолиятининг самарадорлиги ва унумдорлиги;

- молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва шубҳасиз тўғрилиги;

- қабул қилинадиган, фаолиятни тартибга солувчи қонунчилик ва ҳуқуқ нормаларига мослиги.

4. Ички назорат тизими – бу Жамиятда ташкил этилган, ички ҳужжатлар билан тартибга солинувчи ташкилий тузилма ва Кузатув кенгаши, раҳбарият ҳамда барча даражалардаги ва барча функциялар бўйича бошқа ходимлар томонидан амалга ошириладиган, назорат чоралари, ички назорат процедуралари ва усуллари мажмуи.

5. Ички назорат процедуралари – бу Жамиятнинг Тафтиш комиссияси томонидан, Жамият Кузатув кенгаши томонидан, Жамият Ижроия органи (Бошқаруви) томонидан ҳамда Жамиятнинг ички назоратни амалга оширишга вакил этилган бўлинмалари (бундан буён - Жамият бўлинмалари) томонидан амалга ошириладиган ва молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонунчиликка ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига ҳилофликларни аниқлашга, Жамият томонидан қўйилган мақсадларга эришиш самарадорлигини баҳолашга ҳамда ички назорат субъектларининг ички назорат процедураларини амалга ошириш жараёнида бир-бирлари билан ўзаро ҳамкорлигига қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

6. Ички назоратнинг асосий мақсади Жамият ўз олдида қўйилган фаолияти мақсадларига айниқса самарали тарзда эришадиганлигига оқилона ишонч ҳосил қилишдан иборат.

7. Ички назорат қуйидагиларни тезкор режимда таъминлашга даъват этилган:

- активларининг бутлиги, Жамият ресурсларидан тежамкор ва самарали фойдаланиш;

- амалдаги қонунчиликка, Жамиятнинг ички сиёсати, стандартлари ва процедураларига риоя этиш;

- Жамият бизнес режаларининг бажарилиши;

- Жамиятнинг бухгалтерлик ёзувлари, молиявий ҳисоботлари ва бошқаришга оид ахборотларнинг тўлиқлиги;

рисклар Жамият фаолиятида юзага келиши чоғида, уларни аниқлаш, идентификациялаш ва таҳлил этиш;

Жамият фаолиятидаги, ўз ичига рискларни бошқариш бўйича, улар томонидан максимал зиён етказилиши пайтига қадар ўз вақтида ва мос қарорлар қабул қилишни оловчи, рискларни режалаштириш ва бошқариш;

Жамиятнинг ишчан доираларда ва истеъмолчилар орасида яхши обрў-эътиборини қозониш ва бой бермаслик.

### **III. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

8. Жамиятда ички назорат тизими қуйидаги тамойиллар асосида қурилади:

Узлуксиз ишлаб туриш - ички назорат тизимининг доимий ва муносиб тарзда ишлаб туриши Жамиятга меъёрлардан ҳар қандай оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг келгусида юзага келишининг олдини олиш имконини беради;

Ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорлиги – ҳар бир шахс томонидан назорат функцияларининг бажарилиши сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан назорат қилинади;

Мажбуриятларнинг тақсимланиши – Жамият назорат функцияларининг бир-бирини такрорлашига йўл қўймайди ҳамда мазкур функциялар ходимлар ўртасида шу тариха тақсимланмоғи лозимки, айнан бир шахс муайян активлар билан операцияларни тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, активларнинг бутлигини таъминлаш ва уларнинг инвентаризациясини ўтказиш функцияларини бирлаштира олмасин;

Операцияларни муносиб тарзда маъқуллаш ва тасдиқлаш – Жамият барча молиявий-хўжалик операцияларини вакил этилган шахслар томонидан уларнинг тегишли ваколатлари доирасида тасдиқлаш тартибини ўрнатишга интилади;

Жамиятнинг кундалик ички назоратни амалга оширувчи бўлинмасининг ташкилий ҳолислигини таъминлаш ҳамда унинг Кузатув кенгаши олдида бевосита функционал ҳисобдорлиги;

Жамиятда ишлайдиган барча ички назорат субъектларининг назорат функцияларини муносиб равишда бажариш учун жавобгарлиги;

Ички назоратни Жамият барча бўлинмалари ва хизматларининг аниқ равшан ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга ошириш;

Доимий ривожланиш ва такомиллашиш – Жамият ички назорат тизимида, у янги масалаларни ҳал этиш заруратини ҳисобга олган ҳолда мослаштирила олиши, мазкур тизимни ўзи кенгайтира ва такомиллаштира олиши учун мослашувчан ростлаш шароитларини таъминлашга интилади;

Оғишлар тўғрисидаги хабарларни ўз вақтида етказиш – Жамиятда тегишли хабарларни оғишларни бартараф этиш борасида қарорлар қабул қилишга вакил этилган шахсларга етказишнинг максимал қисқа муддатлари ўрнатилган;

Ички назорат тизимининг мураккаблик даражаси ва назорат қилинадиган объектнинг мураккаблик даражаси ўртасидаги ўзаро мутаносиблик;

Жамиятнинг назорат йўлга қўйиладиган фаолияти соҳаларидаги муҳимликларни аниқлаш – ички назорат тизими билан қамраб олиннадиган стратегик йўналишлар, гарчи уларнинг ишлашини (“чиқимларнинг – иқтисодий самарага” нисбати) ўлчаш қийин бўлса ҳам, ажратилади;

Турли хилдаги объектлар устидан ички назоратнинг комплекс характери.

### **IV. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**

Ички назорат тизими ўз ичига қуйидаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни олади:

Ўз ичига компания ходимларининг ахлоқий қадриятлари ва компетентлигини, идора этиш сиёсатини, раҳбарият томонидан ваколат ва масъулиятларнинг тақсимланиши усулини, ташкил этиш таркибини ва ходимлар малакасини оширишни ҳамда Кузатув кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқарувни олувчи назорат муҳити;

Рискларни баҳолаш – ўзида турли даражаларда ўзаро алоқадор бўлган муайян вазифаларга эришиш чоғида тегишли рискларни идентификациялаш ва таҳлил этишни ифода этади;

Раҳбарият фармойишлари бажарилаётганлигини кафолатлашга кўмаклашувчи умумлаштирувчи сиёсат ва процедуралар ҳамда ўз ичига ижобий баҳолар, санкциялар, тасдиқлар бериш, текширишлар, жорий фаолият назорати, активлар хавфсизлиги ва ваколатлар тақсимланиши кафолати сингари бир қатор ўта турли-туман ҳаракатларни олувчи назорат фаолияти;

Маълумотларни ўз вақтида самарали аниқлаш, уларни рўйхатга олиш ва алмашиш, шу жумладан, ички назоратнинг барча субъектларида Жамият томонидан қабул қилинган ички назорат сиёсати ва процедураларини англашни ва уларнинг ижросини таъминлашни шакллантириш мақсадида ахборотлар алмашишнинг самарали каналларини яратишни ўз ичига олувчи ахборот таъминоти ва ахборот алмашинуви фаолияти. Жамият ахборотга ижозат этилмаган киришлардан ҳимоя чораларини қўллайди;

Мониторинг – ўз ичига бошқарув ва назорат функцияларини олувчи жараён, мазкур жараёнда вақт ўтиши билан тизимнинг ишлаши сифати баҳоланади. Ички назорат тизимининг баҳоланиши молиявий ҳисоботнинг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи хатоларнинг юзага келиш эҳтимолини аниқлаш, ушбу хатоларнинг муҳимлигини аниқлаш ҳамда ички назорат тизимининг ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришни таъминлашга қодирлигини аниқлаш учун ўтказилади.

## **V. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН ЖАВОБГАР ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР**

10. Ички назорат Жамият кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси, Ижроия органи (Бошқаруви), Ички аудит хизмати томонидан ҳамда Жамиятнинг барча даражалардаги бошқа ходимлари томонидан амалга оширилади ва шунинг баробарида улардан ҳар бири ички назорат учун у ёки бу жавобгарликни ўтайди.

11. Жамиятда ишлаб турувчи бўлинмаларнинг функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жавобгарлиги Жамиятнинг ташкилий-идоравий ҳужжатлари билан қўзда тутилган. Мазкур ҳужжатлар, худди шунингдек, ички назорат масалаларига бевосита ёки билвосита дахл қилувчи бошқа ҳужжатлар ушбу Низомга зид бўлиши мумкин эмас.

12. Жамият молиявий-хўжалик фаолияти назоратининг тизимлилик характерини таъминлаш мақсадида ички назорат процедураларини ўтказиш Жамиятнинг вакил этилган бўлинмаси – ички назоратга, Жамиятнинг бошқа органлари ва бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликка жавобгар бўлган Ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

13. Кузатув кенгашининг функцияларига қуйидагилар киради:

Ички назорат тизимининг муайян операциялари ва стратегияларининг ривожланиш йўналишларини аниқлаш ва маъқуллаш;

Жамият акциядорларининг Йиллик умумий йиғилишида ўтказилган таҳлиллар ва ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самаралилигининг баҳоланиши натижалари ҳақида, Жамият Ижроия органининг, ички ва ташқи аудитларнинг, Тафтиш комиссияссининг мунтазам ҳисоботларига, бошқа манбалардан олинган ахборотлар ва молиявий назорат, операциявий назорат, қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат, ички сиёсат ва процедуралар назоратини қўшган ҳолда, ўз кузатишларига асосланган ҳолда ҳар йили ахборот бериш;

Жамият ички назоратга жавобгар бўлинмасининг тузилиши ва таркибини аниқлаш;

Ички назорат процедураларини доимий такомиллаштира бориш.

14. Жамият ишлаб туриши учун жавобгарлик, Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Жамият ички назорат соҳасидаги сиёсатга мувофиқ Ижроия органга (Бошқарувга) юклатилади. Жамият Ижроия органи ички назорат тизими процедураларини татбиқ этади ва унинг Кузатув кенгашини Жамият учун барча улкан рисклар, ички назорат тизимидаги жиддий камчиликлар ҳамда уларни баргараф бўйича тадбирлар режалари ва натижалари ҳақида ўз вақтида хабардор этиб, самарали ишлашини таъминлайди.

15. Ҳар қандай даражадаги бўлинмалар ходимлари (раҳбарларни ҳам қўшган ҳолда) назоратни амалга ошириш бўйича стратегиялар ва процедуралар ишлаб чиқишда ўз ваколатлари доирасида бевосита иштирок этадилар. Уларнинг мажбуриятларига ностандарт вазиятлар ва муаммоларни, уларнинг юзага келишига кўра уддалаш вазифаси киради. Аҳамиятли масалалар ёки айнан бир битим доирасида юзага келган рисклар бўйича ходимлар Жамиятнинг юқори раҳбариятига хабар берадилар.

16. Жамият ва унинг ҳолис бўлинмаларининг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш доимий амал қилувчи ички назорат органи – Тафтиш комиссиясига юклатилади, унинг роли, мақсади, вазифалари, ваколатлари Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

18. Ички назорат процедуралари ижро этилиши, яъни айнан Жамият томонидан содир этиладиган молиявий-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва умуман олганда Жамият Уставига, унинг ҳолис бўлинмаларига мослиги устидан ҳамда бухгалтерия ва молиявий ҳисоботнинг тўлаллиги ва ишончилиги устидан мунтазам назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик Ички аудит хизмати зимасига юкланган, унинг роли, мақсади, вазифалари, ваколатлари, шунингдек, Ички аудит хизматига ўтказилган молиявий-хўжалик операцияларини баҳолаш учун материаллар ва ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари ҳамда Жамият мансабдор шахслари ва ходимларининг уларни ушбу муддатларда тақдим этмаганликлари учун жавобгарлиги Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низом Кузатув кенгаши билан келишилади, Ижроия орган (Бошқарув) томонидан тасдиқланади.

19. Жамият Ички аудит хизмати ички аудит натижалари, ички назорат тизими тўғрисида Кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради. Жамият Ички аудит хизмати функционал жиҳатдан Кузатув кенгашига, аудит бўйича эса Ижроия органи (Бошқарув)га бўйсунди.

20. Жамият қўйидаги шахслар ички аудит лавозимини эгаллай олмайди:

- иқтисодий фаолият соҳасидаги жиноятларни ёки давлат ҳокимиятига, давлат хизмати ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларидаги хизмат манфатларига қарши жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган бўлсалар ҳамда уларга нисбатан тадбиркорлик соҳасидаги ёки молия, солиқ ва йиғимлар, қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо қўлланган бўлса;

- жамиятнинг ижроия органи таркибига кирсалар;

- Жамият билан рақобатлашувчи юридик шахсларнинг иштирокчилари, бош директори (бошқарувчиси), бошқарув органи аъзолари ёки ходимлари ҳисоблансалар;

Жамият Ички аудит хизматида лавозимларни эгаллаш ҳуқуқига эга эмаслар.

Ички аудит хизмати таркибига кирувчи шахсларга нисбатан ўзга талаблар Кузатув кенгаши томонидан ёки Кузатув кенгаши билан келишилган ҳолда Ижроия орган (Бошқарув) томонидан ўрнатилиши мумкин.

21. Ички назорат тизимининг муносиб тарзда ишлаши, шунингдек, ходимларнинг профессионализмига ҳам боғлиқ. Жамият кадрларни танлаш, ёллаш, ўқитиш, тайёрлаш ва ходимларнинг хизмат бўйича мартабасини ошириш тизими уларнинг юқори малакасини

ва улар томонидан юқори ахлоқий стандартларга риоя этилишини таъминлаши учун бор кучини ишга солади.

## **VI. ИЧКИ НАЗОРАТ ПРОЦЕДУРАЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

22. Жамият ички назорат процедуралари куйидагиларни ўз ичига олади:

6.1.1. Жамиятни бошқаришнинг турли даражаларида ўзаро алоқадор ва зид келмайдиган мақсадлар ва вазифаларни аниқлаш;

Жамиятнинг фаолияти мақсадларига эришишга халакит бериши мумкин бўлган потенциал ва мавжуд тезкор, молиявий, стратегик ва бошқа рискларни аниқлаш ва таҳлил этиш;

Ички назоратнинг муҳим таркибий қисмларини баҳолаш;

Тижорат жараёниларнинг ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш;

Жамиятнинг таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг ишлаши самарадорлиги баҳосини ва мезоналарини аниқлаш;

Молиявий ва бошқа ахборотларни ўтган даврлар учун қиёсланадиган ахборотларга ёки фаолиятнинг қутилаётган натижаларига нисбатан кўриб чиқиш;

Воқеалар, операциялар ва транзакцияларни ҳисобга олишнинг мос усулларидан фойдаланиш;

Активларнинг бутлигини текшириш;

Ички назорат процедураларини муносиб тарзда ҳужжатлаштириш;

Ички назорат тизимининг сифатини мунтазам баҳолаб бориш;

Жамиятнинг барча ходимлари эътиборига уларнинг ички назорат соҳасидаги мажбуриятларини етказиш;

Жамият ходимлари ўртасида муҳим мажбуриятларни (шу жумладан, операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, ресурсларни бериш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текшириш бўйича мажбуриятларни) тақсимлаш;

Операцияларни, фақат тегишли ваколатлар берилган ходимлар томонидан тасдиқланиши ва амалга оширилиши;

Ички назорат мақсадларига эришиш учун зарур бўлган бошқа процедуралар.

23. Ички назорат процедураларини ўтказиш чоғида назорат қилиш, кузатиш, тасдиқлаш, қайтадан санаш усуллари ҳамда ички назорат процедураларини амалга ошириш учун зарур бошқа усуллар қўлланади.

## **VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

24. Ушбу Низом ҳамда унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Жамиятнинг умумий йиғилиши томонидан, мажлисда иштирок этаётган ёки сиртдан овоз беришда иштирок этаётган аъзоларининг кўпчилиги овози билан тасдиқланади.

25. Ушбу Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Корпоратив маслаҳатчининг, Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг, Жамият аудиторининг, Жамият Тафтиш комиссиясининг, Жамият Ижроия органининг таклифига биноан киритилади.

26. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ва меъёрий ҳужжатларининг ўзгариши натижасида мазкур Низомнинг айрим моддалари улар билан зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ҳамда Низомга ўзгартиришлар киритилгунга қадар Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига таяниб иш кўради.